

ФОРИШ ТУМАН ИҚТИСОДИЙ СУДИ

Protected by PDF Ant-Copy Free

(Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Фориш тумани

2023 йил 01 ноябрь

Фориш туман иқтисодий суди судьяси Д.Соатов раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Тилабов котиблигида, даъвогар – АТИБ “Ипотекабанк”нинг жавобгар – “МЧЖга нисбатан №13:04:06:04:01:1525 – сонли кадастр рақамли Жиззах вилояти, Ш.Рашидов тумани, З.М.Бобур, Р.Қосимов ва Н.Абдуалимов ФХХУ худудида жойлашган жами 42,8 гектар ер майдонида жойлашган барча-бино иншоатларни ҳамда 5 дона балиқ ташиш махсус (рыбовоз) техникасини гаров (ипотека) шартномасини тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги даъво аризасини, очик суд мажлиси муҳокамасида тарафлардан жавобгар вакили – Аброр Нарзиевнинг иштирокида Фориш туман иқтисодий суди биносида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар – АТИБ “Ипотекабанк” судга мурожаат этиб, унда жавобгар – “ААА” МЧЖга нисбатан №13:04:06:04:01:1525 – сонли кадастр рақамли Жиззах вилояти, Ш.Рашидов тумани, З.М.Бобур, Р.Қосимов ва Н.Абдуалимов ФХХУ худудида жойлашган жами 42,8 гектар ер майдонида жойлашган барча-бино иншоатларни ҳамда 5 дона балиқ ташиш махсус (рыбовоз) техникасини гаров (ипотека) шартномасини тузишга мажбур қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида даъвогар вакиллари иштирок этмади, бироқ иш ҳужжатларида унинг суд мажлиси муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд.

Унинг суд мажлисида иштирок этмаганлиги ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Суд, суд муҳокамасини даъвогар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Жавобгар вакили Аброр Нарзиев тарафлар медиатив келишувга эришганлигини маълум қилиб, медиатив келишувни судга тақдим этди.

Суд жавобгарнинг кўрсатмаларини ва иш ҳужжатларини ҳамда медиатив келишувни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддасининг 5³-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса суд даъвони кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация” тўғрисидаги қонуни 17 моддаси, 6-бандида низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи” тўғрисидаги қонуни 18-моддаси, 9-бандида агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилиши белгиланган.



Қайд этилганларга кўра, олдиндан давлат божи тўланмаганлигини инобатга олиб, 33.000 сўм почта харажати даъвогар зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Медиация” тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи” тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси, 5³-банди, 118, 195 - модда ва қўллаб, суд

А Ж Р И М П Д И :

Даъвогар – АТИБ “Ипотекабанк”нинг даъвогар – “ААА” МЧЖга нисбатан №13:04:06:04:01:1525 – сонли кадастр рақамли Жиззах вилояти, Ш.Рашидов тумани, З.М.Бобур, Р.Қосимов ва Н.Абдуалимов ФХХУ худудида жойлашган жами 42,8 гектар ер майдонида жойлашган барча-бино иншоатларни ҳамда 5 дона балиқ ташиш махсус (рыбовоз) техникасини гаров (ипотека) шартномасини тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати даъвогар зиммасида қолдирилсин.

Ажрим нусхаси тарафларга юборилсин.

Мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига белгиланган тартибида бир ойлик муддатда Жиззах вилоят суди иқтисодий судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят берилиши мумкин.

Судья

Д.Соатов

